

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Туркман халқининг Миллий Етақиси ва Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида етакчилар Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан бир-бирларини дилдан қутлаб, энг эзгу тилакларини билдирдилар. Халқ Маслаҳати Раиси Туркменистон Президентини Сердар Бердимухамедовнинг ҳам самимий табрикларини етказди.

Ўтган йилларда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончдек эзгу аъёналарга таянган ҳолда жадал ривожланиб бормасин ва бугунги кунда стратегик шерикликдек юксак даражага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Ушбу қутлуғ кунда азалдан яқин қардошлик ришталаридан келиб чиқиб ва ўзаро ҳурмат белгиси сифатида мамлакатларимиз ўртасида дўстона ёрдам алмашилди — Туркменистондан юртимизга суолтирилган газ партияси етказилди, ўз навбатида, Ўзбекистондан қўшни мамлакатга замонавий тез ёрдам машиналари жўнатилди.

Бундан ташқари, куни кеча мамлакатларимиз пойтахтларида кенг жамоатчилик, миллий диаспоралар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида тантана-

ли тадбир ва концертлар бўлиб ўтди.

Товар айирбошлашнинг ўсаётгани ҳамда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонасини барпо этиш бўйича биргаликдаги ишлар бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Транспорт, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида, шу жумладан, қўшма сув хўжалиги комиссияси доирасида самарали ҳамкорлик давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида, шу жумладан, ҳудудлар даражасида таълим ва маданий-гуманитар алмашинув дастурлари фаол рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва минтақавий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни биргаликда илгари сурish учун имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Халқро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилда инфляция даражасини пасайтириш чоралари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Маълумки, инфляция қўлатгани макроиктисодий қўрсаткич эмас, аҳоли даромади ва турмуш тарзига таъсир қилувчи омил ҳисобланади. 2022 йил якуни билан юртимизда инфляция 12,3 фоизни ташкил этган эди. Барча иқтисодий механизмларни қўлаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинмоқда.

Бунинг учун истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни “даладан дастурхонгача” етказиб беришдаги ҳаражатларни қисқартириб, арзон бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун аҳолига ажратилган жами 200 минг гектар ердан унумли фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Рағбат

ТАДБИРКОР «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига таърифи чоғида тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувда истиқболли тақлифларни илгари сурган учкўрғонлик Дилшод Отамирзаев Президент Фармонида кўра давлат мукофоти билан тақдирланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020 — 2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва тақлифларини амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форуми ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илгори хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси,

халқро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган: Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури (кейинги ўринларда — Миллий таълим дастури) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) (А.Саидов) Миллий таълим дастури ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши юзасидан: мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича тақлиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга қилиб бериб;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотнинг расмий веб-саҳифаларда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб борилишини таъминласин;

ҳар олти ойда Олий Мажлис па-

латалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган маълумот қилиб бериш; ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда — Марказ) Давлат бюджетни доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. “Йўл харитаси”да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ишчи органи — Марказга тақдим этиб бориш.

5. Олий Мажлис палаталарига Миллий комиссиянинг Миллий таълим дастури ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилсин.

(Давоми 2-бетда).



ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИГА БЕФАРҚ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Ушбу мақолани ёзишга охириги пайтларда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган ва ҳамон муҳокамаи давом этаётган ёш қизалоққа нисбатан содир этилган зўравонлик ва қотиллик жинояти туртки бериб. Фикрларни қузатиш жараёнида, аввало, юрtdошларимизнинг бу манфур жиноятга бефарқ бўлмай, кескин муносабат билдираётганликлари диққатни тартади. Бундай ноинсоний қилмиш кенг жамоатчиликни ларзага солди ва бу шунга лойиқ, албатта.

Мушоҳада

Эътибор берилса, жаҳоннинг кўпгина давлатларида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари алоҳида тоифага киритилади. Чунки бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳам ўзига хос фарқли жиҳатларга эга. Экспертлар фикрича, уй шароитидаги зўравонлик ва таъовуз бу нохуш вазиятларнинг шундай бир турики, уларга аёллар ва болалар эркакларга нисбатан кўпроқ дуч келади. Сабаби оддий, улар айнан аёл ва ишонувчан болалар бўлганликлари учун кўп ҳолларда зўравонлик қурбонига айланади.

БМТ маълумотида кўра, 15 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл умри давомида ҳамда бир марта бўлса ҳам жисмоний ёки жинсий зўравонликка учрайди. Ҳозирги глобаллашув жараёнида эса зўравонлиқнинг бу тури географик, ижтимоий ва иқтисодий чегараларни бузиб ўтади. Шу сабабли ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда бу

иллатга барҳам бериш кечиктириб бўлмас муаммога айланиб бормоқда ва унга қарши кескин курашилмоқда. Албатта, бизнинг юртимизда ҳам ушбу жиноятнинг олдини олиш, таъбир жоиз бўлса, унинг пайини қирқш чоралари қўрилмоқда.

Конунчилик асоси

такомиллаштирилмоқда

Маълумки, бирон соҳада салмоқли натижага эришиш учун, энг аввало, унинг қонунчилик асосларини замон талаби даражасида меъёрига етказиш зарур. Ана шу ҳаётий ҳақиқат асосида Олий Мажлис Сенати томонидан сўз юритилаётган масалага доир қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилаётир.

Ўтган йилнинг апрель ойида парламент юқори палатаси Раиси Бошчилигида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ноҳўя ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни янада қучайтириш масалаларига бағишланган

мажлис ўтказилиб, хотин-қизлар ва воёга етмаганларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ва шилқимлик ҳаракатлари ҳамда бошқа салбий ҳолатлар муҳокама қилинган эди. Унда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш, ушбу соҳани таҳлил этиш ҳамда халқро таърибани чуқур ўрганган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишга қелишиб олинганди. Шу мақсадда ўтган йилнинг май ойида Хотин қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси қошида ишчи гуруҳ ҳамда чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, бир қатор вазифалар белгиланб берилди.

Ишчи гуруҳ томонидан парламент назорати доирасида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи ўрганилди. Шу жараёнда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилди. Айни чоғда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швеция, Болгария, Австралия, Хитой, Россия, Беларусь, Украина, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ҳамда Марказий Осиё давлатларининг бу борадаги қонунчилиги таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида соҳани тартибга солувчи қонунчилигимизда бир қатор бўшлиқ ва муаммоли жиҳатлар борлиги аниқланди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ПИШИҚ-ПУХТА ТАЙЁРЛАНИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид қонун лойиҳалари креатив ёндашув, дахлдорлик масъулияти нуқтаи назаридан батафсил қўриб чиқилди.

Зеро, қонун лойиҳалари муҳокамаларида депутатларнинг фаол қатнашиши, фикр билдириши, тортишиши, қизгин баҳс-мунозараларга киришиши ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёрланиши ва ҳаётимизга самарали татбиқ этилишида муҳим ўрин тутди.

Банкларнинг капиталлашув даражаси янада ошади

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси доирасидаги устувор йўналишлар сифатида банкларнинг капиталига қўйиладиган минимал талабларни ошириш ҳамда давлат улуши мавжуд банкларнинг капиталига зарур таъриба, билим ва нуфузга эга стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш белгиланган.



СУДЬЯНИНГ ОНГИДА АДОЛАТ, ТИЛИДА ҲАҚИҚАТ, ДИЛИДА ПОКЛИК ҲУКМРОН БЎЛИШИ КЕРАК

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, ўтган давр мобайнида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, давлат ва жамиятни тудан модернизациялаш, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришишда муҳим ўрин тутди.

Ҳўш, бугунги кунда судни том маънода “адолат кўрғони”га айлантириш йўлида қандай босқичлардан ўтилди ва келгусида яна нималарни амалга ошириш лозим?

Мўҳбиримиз шу ва соҳага оид бошқа аниқликлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги устувор вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр ИСЛОМОВ билан сўхбатлашди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ
МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказ билан биргаликда **2023 йил 1 июнга** қадар “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиладиган профессионал ва олий таълим ташкилотларининг **аниқ рўйхатини шакллантирсин** ҳамда тегишли **ўқув дастурларини такомиллаштириш** чораларини кўрсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 июндан бошлаб** Марказ томонидан ҳар йили: **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар** **миллий танлов**и ўтказиб борилади; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида **фаолият**и **мазкур шахслар билан беvosита боғлиқ бўлган ташкилотларда** ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади.

Марказ: а) **уч ой муддатда**: **Миллий танловни ўтказиш бўйича Нисом ва дастурни** ишлаб чиқсин ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан **келишиб**, тасдиқласин; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида тегишли ташкилотларда **ўқув курслари ва семинар-тренингларни ўтказиш бўйича режа-графикни** тасдиқласин;

б) **2023 йил 1 апрелга қадар**: **“Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари** туркум қўлланма ва рисоаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин;

ЗЎРАВОНЛИК
ҲОЛАТЛАРИГА БЕФАРҚ
ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Масалан, хотин-қизлар ва бола-лар ҳуқуқлари ҳимоясига оид қатор муҳим ва ҳозирги кунда долзарб бўлган — жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, шахвоний шилқимлик, оиладаги зўравонлик, ғамхўрлик қўрсатмаслик каби тушунчалар қонунчиликда мавжуд эмаслиги аён бўлди. Ваҳоланки, бир қатор халқаро ҳужжатларда мазкур тушунчаларни миллий қонунчиликка киритиш тавсия этилган.

Қолаверса, қоқелик ҳам қонунчиликни такомиллаштиришни, ҳусусан, жиний ва маъмурий жавобгарлиқнинг махсус турларини киритиш, бундай турдаги жиноятларга нисбатан енгиллаштирувчи меъёrlарни бекор қилиш ҳамда жавобгарлиқни янада қучайтиришни талаб этмоқда. Агар 2020 йилда 156 та номусга тегиш хитоя эти содир қилинган бўлса, 2021 йилда бу 243 тага кўтарилган. Шунинг зўйеб хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатади.

Хуллас, тахлиллар ҳамда ўрганишлар асосида хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш зўзасидан қўйдаги тахлифлар ишлаб чиқилди:

биринчидан, амалдаги қонунчилик: “жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик”, “шахвоний шилқимлик”, “оиладаги зўравонлик”, “ғамхўрлик қўрсатмаслик” каби тушунчаларни киритиш; “аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш” тушунчасини “шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш” тушунчасига алмаштириш;

иккинчидан, оиладаги зўравонлик, вояга етмаганлар тасвирилари туширилган порнография махсулотларни тайёрлаш, ахборот-коммуникация мақсадида фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсни ёмон йўлга солиш (онлайн груминг) учун жа-вобгарлиқни белгилаш.

Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлиқни содир эт-ганларни таълим-тарбия, даволаш ва бошқа турдаги фаолият билан боғлиқ лозимиятларни эғаллаш ва фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод махрум қилиш;

учинчидан, жинсий зўравонлик, шу жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган енгиллик бермаслик, ҳусусан, жазони ўтатишдан муддатдан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш чораларини қўлланмаслик;

тўртинчидан, аёлларни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш, турмуш қуришга мажбурлаш ёки тўқсинлик қилиш; **бешинчидан**, қонунчиликдаги жинсий эркинликка тажовуз қилиш жиноятига нисба-тан оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қараш ва янада қучилроқ санқиялар би-лан тўлдиритиш;

олтинчидан, таъқиб қилиш (сталкинг) учун маъмурий жавобгарлиқни белгилаш. Ҳўйлаймизки, бу тахлифлар қонунчилик-ка киритилса, сўз юртилаётган тоифада-ги жиноятчиликни сезиларли даражада қисқартириш мумкин бўлади.

Хорижнинг илғор тажрибаси муҳим Албатта, ҳар қандай соҳани такомил-лаштиришда хорижий тажрибани ўрганиш ва уни маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда самарали таътиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маъ-лумотларига кўра, дунё бўйича хотин-қиз-лар умумий сонидан 35 фоизи, яъни ҳар учинчиси зўравонликка дуч келмоқда. Бу дегани, ушбу муаммо жаҳондаги ҳеч бир давлатни четлаб ўтмаган, у ҳок ривожла-наётган ёки учинчи дунё давлати бўлса ҳам. Шунга яраша, бу муаммони барта-раф этиш йўналишида кўпгина мамлакат-лар ўзига ҳок тажриба тўплаган. Бунда асосий тамойил давлат ва нодавлат ту-зилмалари жамоатчилик билан доимий алоқада бўлиши шарт. Чўнки зўравонлик ҳар қандай жиноят каби оғоҳлик ва шаф-фоплиқдан “қўрқади”, зўравоннинг хатти-ҳаракатлари жамият томонидан қораланиш эса уни тўхтатишнинг энг самарали йўлидир.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон ҳам турли му-тасадди тузилмалар ва жамоат ташкилот-лари, жамоатчиликнинг бу йўналишдаги алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги хо-

рижий тахрибадан фойдаланмоқда. Бу, ай-ниқса, тегишли йўналишда қабул қили-наётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар усти-да ишлашда яққол намоян бўлаётир.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонли-гини ошириш йўналишида ҳам илғор таж-рибалар қўлланилмоқда. Бу, албатта, жуда муҳим. Чўнки худди уша ҳимоя ордери ёки бошқа имкониятлардан фойдаланиш учун ҳам зўравонликка дуч келаётган хотин-қиз-лар бу ҳақида билиши лозим. Шундагина улар ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқара олади.

Шу ўринда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларидан таркиб топган ишчи гуруҳ томонидан Туркиянинг мазкур йўналиш-даги тахрибаси ўрганиб қўйилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Маълум бўлиши-ча, Туркияда қўн телефонлари учун махсус “SOS-тўғма” мобилй иловаси яратилган. Мазкур мобилй иловдан аёллар ва воя-га етмаган болаларни таъйик ва зўравон-лиқдан ҳимоялашга самарали восита сифатида фойдаланиб келиняпти. Ва зъти-борлиси, айни чоғда бизда ҳам бу лойи-хани таътиб этиш бўйича иш олиб бори-лмоқда.

Амалий
саъй-ҳаракатлар

Хотин қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масала-лари бўйича республика комиссияси ва қатор вазирликлар ҳамкорлигида “Таъйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиб-бий руҳий ёрдам кўрсатиш бўйича” қўв қўлланма яратилди. Бугунги кунда орти-мизда 190 га яқин олий таълим муасса-сиси бўлиб, хотин-қизлар қўпроқ таълим оладиган масканларда (педагогика, тиб-биёт ва х.к) 101 нафар профпектика инс-пектори (шундан 14 нафари аёл) хизмат фаолиятини олиб бормоқда.

Мақтабларда 27 апрель “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш кўни” деб зълон қилинди ва ўқитувчиларга мазкур иллатта қарши туриш тўйўйсини сингди-ришга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом эттириляётир. Ортимиздаги мавжуд 10 мингга яқин мақтабларга 2 мингга яқин профпектика инспекторлари бириктирил-ган. Аммо шу ўринда бир нафар профпек-лактика инспекторига 5 та мақтаб тўғри келаятганлигини ўйлаб қўриш керак бўлади.

Оилавий-маиший зўравонлик ва таъ-йиқни бошидан ўтказган хотин-қизларга профессионал, ҳуқуқий, руҳий ёрдам кўр-сатиш учун ижтимоий тармоқларда махсус каналлар (@Ayollar_himoyasi_bot), (1146), (1102) “ишонч телефонлари” фаолияти йўлга қўйилган.

Қўйин вазиятта тушиб қолган хотин-қизларга тезкорлик билан зарурий ёрдам кўрсатиш учун ИИБ тизимида 2022 йил 10 январдан бошлаб қисқа рақамли (1259) “Ишонч маркази” ташкил этилди.

Адлия вазирлиги томонидан хотин-қиз-ларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оши-риш бўйича махсус онлайн курслар ишлаб чиқилди ва “kurslar.huquqiyportal.uz” элек-трон платформасига жойлаштирилди.

2022 йил мобийида зўравонлик ва таъйикдан жабрланган 49 минг 774 нафар аёлга “ҳимоя ордери” берилди.

Кўриниб турибдики, ҳар қанча чора-тад-бир қўриляётганига қарамастан реал во-қелик биздан янада ҳўшёр бўлишни та-лаб этмоқда. Шундай экан, хотин-қизлар ва вояга етмаганларга жинсий тажовуз қилганларга нисбатан қонунчиликда бел-гиланган жазони янада қучайтиришдан ташқари, бундай шахсларни аниқлаш, улар билан индивидуал профпеклактик ишларни олиб бориш, оилада таъйик ва зўравон-лик содир этганлар билан профпеклактик ишларни қучайтириш, зарур бўлса, уларни махсус муассасаларда даволатиш, мам-лакат бўйича низоли оилаларни маҳалла-вий хатловдан ўтказиш, жабр қўрган хотин-қизларга қуну тун психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мутасар айтганда, зўравонликнинг олдини олишга қаратилган ишларимизни тизимли, ҳар қунлик, ҳар жойда амалга ошириладиган қўмушга айлантирсак, жамиятимиздан бу иллатни бартараф эта оламиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Махлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик
масалалари кўмитаси раиси.

Соҳадаги ҳозирги ҳолат тахлифи банкларда менежмент ҳамда та-вақалқилиқларни бошқариш сифатининг ет-арли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий восита-чиликнинг паст даражаси каби банк сектори-ни иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳти-ёжларига мос равишда ривожлантиришга тўқсинлик қилаятган муаммолар мавжудлиги-ни кўрсатмоқда.

Мақлисда қўриб чиқилган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси билан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Ҳусусан, банклар устак капиталининг энг кам микдорини босқимма-босқич беш оз мил-лиард сўмгача ошириш ҳамда норезидент-ларга банк акцияларини сотиб олишга бўлган тақиқни сақлаган ҳолда уларнинг акциядор-лари ва бенефициарлари учун мазкур тақиқни бекор қилиш белгиланяпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бан-кларнинг капиталлашув даражасини янада ке-гайтириш ва ресурс базасини қўлайитириш, банк фаолиятини амалга ошириш учун рўхсат бериш тартиб-таомилларини такомиллашти-риш ҳамда банк секторига стратегик хорижий инвесторларни жалб этишга хизмат қилади.

Муҳкамаларга бой бўлган мақлисда қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан қабул қилинди.

Энди прокурорлар
судда иштирок этади

Халқ вакиллари “Судларда ер уасткала-рига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни қўриш тартиби такомиллаштирилиши мўсаба-ти билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўзгатиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси-ни биринчи ўқилишда қўриб чиқиди.

Қайд этилгандек, бугунги қунда судлар томонидан ер уасткаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ низоларни хал қилишдаги му-аммоларни ўрганиш натижаларига кўра, маз-кур тоифадаги ишларда қурилиш мақсадлари учун ажратилган ер уасткаларида ўзбо-шимчалик билан қурилган иморатларга мулк ҳуқуқини белгилаш, қишлоқ ҳўжалигига йўлжал-ланган ерларни узок муддатли ижарага бе-риш мажбурлигини юклаш ҳақида қарорлар қабул қилинаётгани аниқланмоқда.

Ўз навбатида, бундай қарорлар асосида ўзбошимчалик билан эғалланган ер майдо-нида қурилган биноларга ноконуний эғалик ҳуқуқи белгиланаётгани ёки эғалик ҳуқуқини

давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича кадастр ва маҳаллий иқроия ҳокимияти органларига мажбурият юкламоқда. Ушбу тоифадаги иш-ларни қўриш тартибини такомиллаштириш мақ-садида судлар томонидан ер уасткаларига бўлган ҳуқуқлар юзасидан давлат манфаат-лари билан боғлиқ ишларнинг муҳокамасида прокурорнинг мажбурий равишда иштирок эти-шини белгилаш зарурияти вуқудга келмоқда.

Қонун лойиҳаси билан юридик ва жи-мосий шахсларнинг ер уасткаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш мақсади-да Ўзбекистон Республикасининг бир қатор кодексларига судлар томонидан ер уасткала-рига бўлган ҳуқуқлар юзасидан давлат ман-фаатлари билан боғлиқ ишларда прокурор-нинг мажбурий қатнашишини белгиллови ўзгартишларни киритиш тақлиф этилмоқда.

Мақлисда депутатлар кўтарган саволлар ва тақлифлар юзасидан ташаббускорлар то-монидан атрофлича жаовоблар берилди ва қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Фермер ҳўжаликлари
фаолиятига аралашув
қисқартирилади

Мақлисда “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўз-гартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқилишда қўриб чиқилди.

Таъйиклангидек, фермер ҳўжалигини таш-кил этиш учун ер уасткасини олиш тартиби аниқ белгиланмагани соҳада айрим корруп-циявий оммиларни келтириб чиқармоқда. Шу босис қонун лойиҳаси билан “Фермер ҳўжали-ги тўғрисида”ги Қонундаги бўшлиқлар тўлди-рилмоқда. Яъни фермер ҳўжалиги очиш учун унинг бошлиғи қандай тартибда ер уаст-каси олиши кераклиги аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, фермер ҳўжалигининг мажбу-риятлари сифатида белгиланган, тузилган кон-тракция шартномаларига мувофиқ давлат эътиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги махсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб бери-лишини таъминлаш нормалари чиқариб таш-ланаётир.

Ҳўжжатда фермер ҳўжаликлари сув ре-сурсларидан туман ирригация бўлиmlари ўртасида сув етказиб бериш ва сув ҳўжалиги муомаларини кўрсатиш бўйича шартномага ҳимоят фойдаланиши, сувни тежаш, сув ре-сурсларидан мақсадли ва оқилона фойдала-ниш чора-тадбирларини қўриш масалалари ҳам ўз ақсини топан.

Ўз навбатида, туман ирригация бўлиmlа-

ри билан сув етказиб бериш ва сув ҳўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган шарт-нома талабларига мувофиқ сугориш тармок-ларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоида-ларига риоя этилиши аниқ белгилаб қўйил-моқда.

Мақлисда қонун лойиҳаси депутатлар то-монидан қабул қилинди.

Норасмий бандлиқнинг
улуши қачон озаяди?

Депутатлар қўриб чиққан навбатдаги ҳуж-жат — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжжатларига норасмий бандлик улу-шини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантиришнинг янги механизmlарини жо-рий этишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшим-ча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур лойиҳа билан Солиқ кодекси ҳамда “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ҳусусан, Солиқ кодексининг 408-моддасига киритилаятган ўзгартиш ва қўшимчаларга асо-сан яқка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳ-нат муносабатларида бўлган жисмоний шахс-лар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам микдори ойига базавий ҳисоблаш микдорин-инг 50 фоизидан йилига базавий ҳисоблаш микдорининг бир бараваригача камайитирили-ши белгиланмоқда. Лекин савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган яқка тар-тибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муноса-батларида бўлган жисмоний шахслар учун амал-даги тартиб сақлаб қолнади.

Шу билан бирга, “Томорқа ҳўжалиги тўғри-сида”ги Қонуннинг 11-моддаси иккинчи қисмига киритилаятган ўзгартишга кўра чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), иссиқчо-на, паррандачилик (бедана, қурға, гоз, ўрдэк), қўёнчилик, асаларичилик, баликчилик, боғдор-чилик, лимончилик, гулчилик фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқароларга уларга те-гишли бўлган томонлар билан меҳнат майдони ёки улар томонидан парвариш қилинаётган ўз ҳайвонлари ва паррандаларининг сонидан қатъи назар, ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рўхсат этилиши белгиланяпти. Шу са-бабли “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонун-дан ер уасткаси майдонига қўйилган талаблар чиқариб ташланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ҳамда унинг бугунги кундаги аҳми-яти ва зарурати зътиборга олиниб, депутат-лар томонидан қабул қилинди.

Олдимизда КАТТА
ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ

Орта қолган 2022 йилда барча соҳада эришилган ютуқларга назар ташларканмиз, Янги Ўзбекистоннинг тараққйёт стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга ошириляётган туб ислохотларнинг асосий мақсади — олий қадрият бўлими инсон манфаатлари тула рўёбга чиқарилишига қаратилаятгани аёналашди.

Ўтган йил Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси учун ҳам нийҳоятда самарали бўлди. Ҳисобот йилида комиссия ўз ол-дига қўйган вазифаларни қўнт билан ба-жарди, десак, мулобага бўлмайди.

Ҳусусан, комиссия ўз фаолиятида 5 та асосий йўналишга устувор вазира сифа-тида қараган ҳолда иш олиб борди. Қонун ижодкорлиги, назорат-тахлил тадбирлари, амалий тадбирлар ва тарғибот, халқаро ҳамкорлик, ОАВда комиссия фаолиятини ёритиб бориш шулар жумласидан.

Шунингдек, ҳисобот даврида комиссия томонидан Қонунчилик палатасининг қўми-талари билан ҳамкорликда мамлакатимиз-да ёшларга оид давлат сийосатини сама-рали амалга ошириш, навқирон авлодни қар томонлама қўллаб-қувватлашга қар-атилган ишларнинг боришини ўрганилиб, 9 та назорат-тахлил тадбири ўтказилди.

Уч маротаба қонун ва қонуноти ҳуж-жатларининг ижро этилиш ҳолати жойларга чиққан ҳолда ўрганилган бўлса, яна шун-ча маротаба комиссия ва қўмиталарнинг қўшма йигилишларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахбороти аштилди.

Ёшларни касба ўқитиш қўламини оши-риш, ишсиз йигит-қизларни касб-ҳунар-ларга қўйтиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини ке-гайтириш мақсадида касб ўқитиш иста-дига битирувчиларни давлат томонидан камида бир касбни эғаллашга қўмакла-

шувчи тизимни жорий қилиш бўйича ко-миссиянинг тақлифлари масъул вазирликка тақдим этилди.

Шу билан бирга, комиссия томонидан халқаро парамитаризм борасида таж-риба алмашти, хорижий давлатлар пар-ламентларининг ёшлар тузилмаларига би-лан ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Масалан, комиссия аъзолари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳ-рида ўтказилган “Ёш парламентарийлар — Ҳамдустлик келахалига назар” мавзуси-даги халқаро форумда, Қозоғистон Респу-бликасида бўлиб ўтган Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеясининг Ёш пар-ламентарийлар гуруҳининг “Технологиялар асрида болалар ва ёшлар” мавзусидаги кон-ференцияда фаол иштирок этади.

Умуман олганда, комиссия 2022 йил-да ўз олдига қўйган мақсадларга тўлиқ эриша олди. 2023 йилда ҳам олдимизда катта вазифалар турибди. Бу борада ўсиб келаятган ёш авлод вакиллари ҳар то-монлама эътибор ва ғамхўрлик қўрсатиш, уларнинг иштишларини қўллаб-қувват-лаш, йигит-қизлар бандлигини таъмин-лаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш йўлида бор имкониятимизни сафарбар этамиз.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Махлис Қонунчилик
палатасининг Ёшлар масалалари
бўйича комиссияси раиси.

ўтказилиши, шу жумладан, уларнинг видеоконференцалоқа орқали Марказ ходимлари иштирокида ташкил этили;

г) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда **“Инсон ҳуқуқлари” хафталигини** оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

13. **“Эл-юрт умиди” жамғармаси очик стипендия танловлари асосида** хорижда **бакалаврият, магистратура** ва **докторантурада таълим олиш** ҳамда **малака ошириш дастурларининг** мақсадли кўрсаткичларини тузишда **инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича** буюртмачи вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эътиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш.Қўдратўжаев);

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида тушунтирилишини;

Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин;

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жаовобгар этиб** Марказ директори А.Х.Саидов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 февраль

— Бахтиёр Жаҳонгирович, Олий суд раиси лавозимига иш бошлаганингизга ҳали кўп вақт бўлмади ва бу масъулиятли вазифа Сизга ишониб топширилди. Айтинг-чи, бугунги кунда суд тизимига халқнинг ишонч даражасини ошириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Янги Ўзбекистон ислохотларининг илк даврлариданоқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев судлар олдига турган асосий максادلardan бирини аниқлаб берди. Яъни бунда судни том маънода “адолат кўргони”га айлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Биласизми, фуқароларимизнинг судга бўлган ишончини оширишда, аввало, судьялар мустақиллиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, суднинг очилишги ва шаффофлиги, судьянинг ҳокислиги ва бегаразлигига шубҳа туғдирувчи омиллар мавжуд бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда инсонда судга бўлган ишонч йўқолади.

Фуқароларимиз судни — одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган орган, ўзларининг ҳимоячисини, адолат посбони, деб қарашига эришишимиз зарур.

Аҳолининг судларга бўлган ишончини ошириш йўлида суд-ҳуқуқ ислохотлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловдан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилмоқда.

Олий суднинг расмий веб-сайтида интерактив хизматлар портали ишга туширилган бўлиб, унда судларга электрон муурожаат йўллаш, суд ҳужжатларининг намуналаридан фойдаланиш, давлат божини автоматик тарзда ҳисоблаш, суд харажатларини электрон тўлаш, суд маҳлисларида видеоқонференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва шу каби бошқа кўплаб имкониятлар йўлга қўйилган.

Суд органларининг очилишги ва шаффофлигини таъминлаш учун ўтказиладиган суд мажлислари жадалли билан таниниши, суд қарорлари, судлар фаолиятига доир ҳисоботлар, ахборотлар, очик маълумотларни расмий веб-сайт орқали олиш, судда ишларнинг кўрилиш ҳолатини онлайн кузатиб бориш имкониятлари яратилган.

Жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали брифинглар, учрашувлар, чиқишлар тарзида хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Очик суд мажлисларида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг судларда иштирок этиш ҳуқуқи амалда. Шунингдек, тегishли халқ депутатлари Кенгашларига суднинг фаолияти тўғрисида йилгига камида бир маротаба ахборот бериш тартиби жорий этилган. Буларнинг ҳаммаси халқнинг суд тизимига бўлган ишонч даражасини оширишга қаратилган бўлиб, бунда судлар қонунга қатъий риоя қилиб, ҳар бир шахснинг манфаатларини муҳофаза этиши, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаши ва шу асосда халқнинг ишончини қозониши зарур бўлади.

Биз бу борадаги ислохотларимизни изчиллик билан давом эттириб, фуқароларимизнинг судларга бўлган ишончини оширишга доим ҳаракат қиламиз.

— Ўтган даврда соҳада давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳаётимизнинг барча соҳасида изчил ва қамровдор ислохотлар амалга оширилмоқда. Сиз суд тизимигадаги янгиланишларнинг асл мазмун-моҳияти ва уларнинг устувор жиҳатлари нима-ларда деб биласиз?

— Тўғри таъкидлаб ўтдингиз, ўтган қисқа муддат ичида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини қучайтириш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, одил судловни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

“Янги Ўзбекистон — янги суд” тамойили доирасида суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезони сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш зарурлиги белгиланди. “Инсон қадрини учун” принципи асосида инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатли таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган савий-ҳаракатларнинг устувор йўналишларидан бири этиб урғуланди.

Инсон қадрини улуғлаш асосида амалга оширилган ислохотларнинг аҳолига келтирган ижобий натижаларни биргина судлар томонидан чиқарилган оқлов ҳужмлари тобора кўпайиб бориши ноҳақ айбланаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишига олиб келди. Натижада сўнгги олд йил давомида 4 712 нафар ноҳақ айбланган шахс оқланган бўлса, бундан олдинги тўққиз йил ичида атиги 138 нафар шахс оқланган ҳолос. Бу даврлар орасидаги ўзаро фарқ ҳам инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатларнинг натижадорлигини кўрсатмоқда.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан шахс-ни ҳимоя қилувчи маъмурий судлар ташкил этилиши натижада аҳоли манфаатларига зарар етказавтган минглаб гайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди. Мисол учун, сўнгги олд йилда қўриб чиқилган 87 138 та маъмурий ишнинг 62 фоизи қаноатлантирилган.

2021 йилнинг октябридан ярашув институтини қўллаган ҳолда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш механизми амалиётга таътиб этилиб, жорий йилга қадар қўриб чиқилган 68 318 та иш бўйича 109 043 нафар шахс ярашув муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш фуқароларнинг судлардаги сарф-харажатлари кескин камайи-

шига олиб келди. Суд мажлисларида қатнашчи имконини берувчи видеоқонференцалоқа тизими жорий этилиши натижа-сида ўтган йилда фуқароларнинг ўртача 12 миллиард сўмдан ортқ харажатлари тежаб қолинишига эришилди. Шунингдек, ҳисобот даврида 1 миллиондан зиёд муурожаатлар судларга бевосита ташриф буюрмасдан электрон тарзда йўлланган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар нафақат фуқаролар мисолида, балки халқро қўламда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз маърузасини БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг сессиясига тақдим этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу маърузада таъсиялар билан бир қаторда Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимига эришилган ижобий натижалар ҳақида алоҳида сўз юритилгани аҳамиятлидир.

— Аҳоли орасида “судма-суд сарсон бўлиб юрибмиз” деган фикрларни кўп эшитамиз. Тан олиш керак, вилот судлари одил қарор чиқариш бўйича етарлича масъулият ололмаётгани сабабли оворагарчиликлар кўпчилиги давлат раҳбарининг эътирозига ҳам сабаб бўлган. Умуман, суд ишларини юришти-

тимиз Конституциясида белгиланган суд орқали ҳимояланиш ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлари оширилади, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинлик-лари ҳамда қонуний манфаатлари янада кенгрок ҳимояланади, шунингдек, одил судловга эришиш даражаси юксалтирилади.

Масаланинг яна бир жиҳати, аҳоли-нинг судларда яратилаётган имкониятлардан ўз вақтида ва тўлиқ хабардор бўла олмаётгани судлардаги оворагарчиликларнинг яна бир сабаби бўлиши мумкин. Тан олиш керак, бугунги кунда судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот билан аҳолини мунтазам таъминлашни тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Суд соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ва яратилаётган имкониятларни жамоатчиликка етказиш бўйича барқарор ҳуқуқий механизм яратилиши ҳам аҳолининг суд билан боғлиқ сарсонгарчиликларини камайитиришга хизмат қилади.

— Судлар билан ОАВ ўртасида яқиндан алоқа ва ҳамкорлик-ни ўрнатиш йўлида қандай ишлар амалга оширилаётганга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда аҳолининг судлар фаолиятига доир ахборотга бўлган эътиҳини таъминлаш, шу-

ларнинг судьяларига тўғри келиб, умумий ҳисобда 50 фоизга яқинини ташкил этмоқда.

Ушбу рақамларни ўртача ойлик иш ҳажмига нисбатан ҳисоблайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди-нинг бир судьяси бир ойда 181 та ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 269 та, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суд-дининг судьяси эса 163 та ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар 100 минг аҳолига Германияда 24 нафар судья тўғри келса, бу кўрсаткич Россияда 18, Қозо-ғистонда 16, Қирғизистонда 7-8, Тожи-кистонда 5 нафарни, Ўзбекистонда эса 3-4 нафарни ташкил этмоқда. Францияда 67,39 миллион аҳолига 8 минг нафар судья, Англияда 1 миллион аҳолига 200 нафардан кўпроқ судья, Италияда 101, Швецияда 100, Ҳиндистонда 21-22 нафар судьялар тўғри келмоқда.

Рақамлар ҳам шундан далолатки, судьяларнинг бугунги кундаги иш ҳажми ва иш юкламаси судда кўрилатилган ишларнинг зич тайинлануви, процес-суал муддат кетидан қувиб тез ўргани-лиши ҳамда вақтли тўхтамга келиши каби одил судлов сифатига таъсир қиладиган даражада кўпни ташкил этиб, уларнинг штатлар бирликлари аҳоли-нинг сони ва суддаги иш ҳажмига нис-батан мутаносиб равишда тақсимлан-



нинг амалдаги тартиби аҳоли учун қай даражада қулай деб ўйлайсиз?

— Хабарингиз бор, Президентимиз 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Муурожаотно-масида “Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юриш-ларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилот судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади” деб таъкидлади.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун суд қарорларини қайта кўриш тартиблар-ини такомиллаштириш зарурати вужуд-га келмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, судлар фао-лиятида “бир суд — бир инстанция” та-моийли асосида суд ишларини қайта кўриш тартиби ўзгартирилиб, туманлар-аро, туман, шаҳар судларида ишлар би-ринчи инстанцияда, вилот ва унга тенг-лаштирилган судларда ишлар апелляция тартибиде, Олий судда ишлар кассация тартибиде кўриб қилиниши белгиланган.

Олий судда кассация инстанциясида кўриб чиқилган ишлар Олий суд раисини, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарла-рининг протестига асосан ишни касса-ция тартибиде такроран кўриш тартиби ўрнатилган.

Апелляция тартибиде кўриб чиқилма-ган ишлар бўйича Олий судга кассация тартибиде шикоят (протест) киритиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги белгиланган. Шу сабабли, фуқароларимиз кассация тар-тибиде шикоят қилиш ҳуқуқини йўқотмас-лик учун кўп ҳолларда суд қарори адо-латли, асосли ва қонуний бўлишига қара-масдан ишларни апелляция тартибиде кўриб чиқиш учун шикоятлар бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилот ва

нингдек, ҳолис ахборотни ўз вақтида бе-риб бориш орқали ёлгон, бирёқлама маъ-лумотлар тарқалишининг олдини олишда Жамоатчилик билан аҳолининг билан ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва кўламини янада кенгайтириш суднинг олдида тур-ган асосий вазифалардан бири ҳисобла-нади.

Хабарингиз бор, 2023 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармо-ни қабул қилинди.

Фармон асосида Олий суднинг Жамо-атчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси негизида Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази ташкил этилди. Бунда судларнинг жамо-атчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолиятини янги-ча ёндашув ва усуллар асосида йўлга қўйиш, энг асосийси, тузилмаларни профессио-нал кадрлар билан тўлдирши чораларини кўриш вазифалари белгиланди.

Бунинг негизида эса оммавий ахбо-рот воситалари билан алоқаларни изчил ўрнатиш, уларга ҳолис, тезкор ва рас-мий ахборотларни ўз вақтида ҳамда си-фатли тақдим этиш, шунингдек, кенг жа-моатчиликда судлар фаолияти бўйича ҳаққоний ва ҳолисона фикр-мулоҳаза-лар ҳамда қарашларни шакллантириш туради.

— Ўтган йилнинг ноябрида Президентимиз одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзаси-да йиғилиш ўтказган эди. Унда судьялар сонини босқичма-бос-қич кўпайтириш таклифи маъ-

маган. Ўз навбатида, судьяларга мос равишда суд аппарати ходимларининг штатлар бирлиги ҳам етарли даражада эмас.

Ҳудудларнинг аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьяларнинг штатлар бирлиги белгиланиши, аввало, одил судлов си-фатини яхшилаш, судьяларнинг иш ҳажми ва иш юкламасини камайитириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилини-шига олиб келади.

— Бугунги кунда судларда тортишув муҳитини шакллантириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини такомиллаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмади?

— Албатта, судларда ишларни юриштишда тортишувчанлик принципи одил судловни таъминлашдаги асосий мезон-лардан бири ҳисобланиб, амалда уни таъ-минлаш орқали адолатли суд жараёна-рига эришиш мумкин. Халқро ҳужжат-ларда ҳам бу принципнинг нақадар му-ҳим эканлиги таъкидланиб келинади.

Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада ке-нгайтириш ва судлар фаолияти самара-дорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониде ай-нан суд ишларини юриштишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойиллари-ни тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлаш мақса-дида прокуратура органлари тизимида Одил судловни амалга оширишга қўма-қлаш бўйича ихтисослашган прокурор-лар корпуси ташкил этилиши унинг асосий вазифаларини қилиб белгиланди.

Бунда Ихтисослашган прокурорлар кор-пуси ходими ўз ваколатларини ҳар қан-дай давлат органи ва мансабдор шахс-дан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади ҳамда унинг судда иштироки билан боғлиқ фаолияти-га бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Энг муҳими, бу ислохот ор-қали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари то-монидан 2022 йилнинг 14 ноябрь куни одил судловни таъминлаш борасидаги ус-тувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда суд ишлари юри-тувида тарафлар тенглигини амалда таъ-минлаш мақсадида жиноят ишини айб-лов ҳулосаси ва ҳимоячи фикри билан бирга қарор қилини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифа-си қўйилди.

Ушбу вазифаларнинг амалга ошири-лиши прокурорларнинг судлардаги ишти-роки самараси ва масъулиятини юксал-тиришга, шунингдек, адвокатга қўшимча ҳимоя кафолатларини тақдим этишга, пи-ровардида судларда тортишув муҳитини янада яхшилашга олиб келади.

— Биламизки, ўтган йилда кўплаб фуқаролар қўйи судлар қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга бевосита шикоят билан келган. Шунинг-дек, ижтимоий тармоқларда суд-лар қарорларидан қоникмаслик билан боғлиқ материаллар тез-тез учраб туради. Айтинг-чи, бугунги кунда Олий суд томони-дан аҳолининг шикоятлари ҳал этилишига қай даражада эъти-бор қаратилаётир?

— Президентимиз раҳбарлигида суд-ловни таъминлаш борасидаги устувор ва-зифалар муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда 2022 йилнинг январь — но-ябрь ойларида 18 минг фуқаро вилот судлари қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга муурожаат этгани таъкидланди.

Статистик рақамларга эътибор қара-тадиган бўлсак, ўтган йил давомида 22 минг нафардан зиёд фуқаролар бево-сита вилот ва унга тенглаштирилган суд-лар томонидан қабул қилинган қарорлар-

дан норози бўлиб, Олий судга муурожаат этган.

Шикоятларнинг асосий қисми жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари юзасидан бўлиб, бундай фуқаролар 9 802 нафарни ташкил қилади. Кейинги ўринларда фуқаролик ишлари бўйича 6 387 та, ундан кейин иқтисодий ишлар юзасидан 3 876 та ва маъмурий ишлар бўйича 2 343 та шикоят тушганини айтиш мумкин.

Процессуал тартибга риоя этилган шикоятлар тегishлилиги бўйича судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилган ва яқуни бўйича тегishли қарорлар қабул қилинган. Бугунги кунда Олий суд томонидан ҳар бир муурожаат алоҳида назоратга олинди, унинг ўз вақтида ҳал этилиши бўйича тегishли чоралар кўрилади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкид-лашни истардимки, судда икки тараф иш-тирок этади, натижада фақатгина бир то-мон ютади, иккинчи томон эса ютқазади ва табиийки, бундан норози бўлади. Де-мак, суд қарорини иштирокчиларнинг э-лиқ фозиизи рози бўлса, қолган иккинчи тенг ярами норози бўлиб қолади. Чунки судда тараф иккита, ҳақиқат эса битта бўлади.

Шундан келиб чиқиб, айрим вазият-ларда суддан норози бўлган тараф ижти-моий тармоқларда чиқишлар орқали суд қарорларидан қоникмаслик билан боғлиқ материалларни ёритиб туради. Албатта,

лашганликка оид ҳар бир жиноят иши яқуни бўйича жамоатчиликни оммавий ах-борот воситалари орқали мажбурий ра-вишда хабардор қилиш тартибинин жорий этиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон кодексининг 236-моддасида тергов қилиш ёки суд иш-ларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Эндиликда давлатимиз раҳбарининг топ-шириғига асосан Жиноят кодексининг 236-моддасини қайта кўриб чиқиш ва уни миллий ҳамда хорижий мамлакатлар таж-рибасидан келиб чиқиб такомиллашти-риш талаб этилади.

Фармонда назарда тутилган вазифа-ларни биз фақатгина жиноят қонунчили-гини такомиллаштириш орқали тўлиқ ба-жаришга эриша олмаймиз. Шу билан бир-га, судьяларнинг мустақиллигини таъмин-лаш, уларнинг ишларига ҳар қандай ара-лашувлардан ҳоли ишлаш учун шароит-лар яратиб бериш асосий вазифаси этиб белгиланган Судьялар олий кенгашининг ваколатлари ва имкониятларидан янада кенгрок фойдаланган ҳолда судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томони-дан барча шарт-шароит яратилиши лозим.

Бунда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашган-лик ҳолатларини бартараф этишга қарат-илган амалий ва ташкилий таъсирчан ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиниш бугунги даврнинг ўзи та-қозо этмоқда.

— Олий суд бугунги даврга мос фаолият юриштиш учун яна нима-ларни амалга ошириши керак? Умуман, олдинда-ги режаларингиз қандай?

— Бугунги кунда “Янги Ўзбекис-тон — янги суд” тамойили доира-сида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилини жадаллаштириши, соҳага илгор халқро стандартлар-ни жорий этишни талаб қилгати.

Айнан шу асосда давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 16 январда “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги Фармони имзоланди. Бу тарихий ҳужжатга асосан мамлакатимизда илк бор 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилининг қисқа муддатли страте-гияси тасдиқланди.

Ушбу тарихий ҳужжат бизни кейинги тўрт йил ичидаги устувор йўналишлар-ини ва амалга ошириладиган режалари-мизни белгиллаб берди. Ҳужжатга кўра стратегиянинг асосий йўналишлари сифатида:

биринчидан, “Инсон қадрини учун” гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

иккинчидан, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқ-нинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймоси-да ўзининг ишончли ҳимоячисини кўри-шига эришиш;

учинчидан, фуқаролар ҳамда тадбир-корларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатла-рини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятни яратиш, суд ишларини юриштишда тарафларнинг тортишув ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларини тўлиқ рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонун-чиликни такомиллаштириш;

тўртинчидан, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект тех-нологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхши-лаш, суд мажлисларида масофадан тури-б иштирок этиш имкониятларини ке-нгайтириш;

бешинчидан, судьяларнинг мустақил-лиги ва дахисизлиги кафолатларини қу-чайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг ол-дини олиш бўйича самарали механизм-ларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, давлат номидан суд қарор-ларини қабул қилаётган судлар ва судья-ларга, шунингдек, уларнинг қарорларига нисбатан ҳар бир фуқарода, шу жумла-дан, барча даражадаги мансабдорларда ҳурмат руҳини шакллантириш;

еттинчидан, суд қарорларининг қатъий ихросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриш; саккизинчидан, судьялар ва суд хо-димларига юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга муурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан ро-зилик ҳиссини уйғотиш каби асосий вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Фармонда давлатимиз раҳбари судья кадрларини тайёрлаш тизи-мидаги мавжуд муаммоларга эътибор қара-тиб, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш гоёсини илгари сурди.

Дарҳақиқат, суд тизимини чинакам “адолат кўргони”га айлантиришда судья кадрларни тайёрлаш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳозирги Судьялар олий мактабининг фаолиятини чўқур таҳлил қилиб, таълим ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқлигини таъминлаш, касбий фанлар ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёнини яратиш, шунингдек, тизимни бугунги кун талаб-ларига уйғунлаштириш зарур.

Субҳатимиз якунида шуни айтмоқчи-манки, судлар халқимизнинг ишончини мустаҳкамлаш йўлида “Судьянинг онгда адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳукмрон бўлиши керак” деган ҳаётий принципга қатъий риоя этган ҳолда мам-лакатимизда қонун устуворлигини таъ-минлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини ишончли ҳимоя қилишга бор қуч-ғайратини сафарбар этиши лозим.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ТАДБИРКОР «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

←1 Меҳнатлар самараси билан ардоқланадиган юртимизда ҳар бир инсон эътиборда. У ҳоҳ деҳқон, фермер, тадбиркор, шифокор бўлсин, шу Ватан истиқболи йўлида ўз ҳаётини бахш этаётган фидойилар асло эътибордан четда қолмайди.

Ўзининг ватанпарварлик, ишбилармонлик ва ташаббускорлик фаилатлари билан кўпчиликка, айниқса, ёшларга алоҳида намуна бўлиб келаётган, янги иш ўринлари очиб, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этаётган, мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, балиқчилик тармоғини илғор хорижий тажриба ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, ҳудудда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётган Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон форель балиқ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Отамирзаевга «Меҳнат шухрати» ордени тантанали равишда топширилди.

Дилшод Отамирзаев 14 йил ота-онасидан олосда мигрантликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Ўз оиласи билан Россия Федерациясининг Москва шаҳрида турли оғир ишларда меҳнат қилишига тўри келди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес муҳити ва қўлай инвестиция климатини яратиш борасида йўлга қўйилган имкониятлар туфайли ўз уйига қайтди. Етти ҳазинадан бири сифатида улуғладиган, болалигидан меҳр қўйган балиқчилик йўналишида бизнес юритиш мақсадида масъулияти чекланган жамият шаклидаги мулкчиликни бошлади. У фаолиятини 2020 йилда 0,10 гектар ер майдонда ноёб турдаги балиқ етиштиришдан бошлаган. Корхонада бугунга келиб, 1,5 миллион дона балиқ увулдириқлари парваришланиб, ишчилар сони 205 кишига етди. Ўтган йили кооперация ташкил қилинган натижасида қўшимча 175 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов, вилоят Нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси Икромхон Нажмиддинов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мамасоли Норхонов сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбарининг Наманганга ташрифи чоғида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жadal суръатларда ривожланиб бораётгани, Наманган вилояти sanoat ва тадбиркорлик марказига айлانгани эътироф этилиши вилоят аҳли, хусусан, тадбиркорлар фаолиятига берилган катта баҳо эканини таъкидлади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ўқиб эшиттирилди. Тадбир якунида ишбилармон Дилшод Отамирзаев юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда инсон қадрли улуғланаётгани, меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмаслигининг амалий исботини ўз ҳаёти ва фаолияти мисолида яна бир қарра ҳис этганини айтди.

Оқилхон ДАДАБОВ,
ЎЗА муҳбири.

АНОМАЛ СОВУҚНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

СОҲА ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ ҚАНДАЙ?

ДАРАХТ НОВДАЛАРИНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

Ақмал МИРЗАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги бошқарма
бошлиғи ўринбосари:
— Тоқ, жумладан, ҳурмо ва бошқа мевали дарахтларнинг қанчалик даражада совуққа чидамлилигига тўхталиб ўтмоқчиман. Агар совуқ 18 даражадан ҳам пастласа, тоқ танасини совуқ уриб, тикланмайдиган ҳолатга келиради. Бу — биологик илмий ҳулоса. Агар тоқ новдасининг устида қор туриб қолган бўлса, совуқ уришдан ҳимоя қилади. Дарахтлар устидаги қор эриб бўлгандан кейин кечки пайт 16 — 18 ёки 20 даражага-ча совуқ ҳарорат қузилсагина дарахт новдаларини совуқ уриш эҳтимоли бор.

Бунга янаям аниқроққ билишимиз учун эрта-индин ҳаво исий бошлаган, новданинг та-насидан сув сизиш ҳолатлари қузилган, демак, бу тикланмайдиган ҳолат, дейиш мумкин. Шунга аниқ айта оламизки, республикамиз узумзорларида (қўмилмаган тоқлар 70 — 75 фоиз) совуқ уриш ҳолатлари қузилди. Энди тоқни ёшартириш мақсадида занг қисмини тепа томонидан кесиб ташланса, эрта баҳорда янги чиққан новдаларни симбоғозларга тортиб, янги шакл бериш мақсада мувофиқ. Тўғри, бир йил ҳосилдан ютқазамиз, лекин баҳонада тоқлар янгилаб оли-нади ва уларнинг келгусида ҳосил бериш жараёни яхши-ланади.

Бу фикрлар, асосан, қўмилмаган, аҳоли томорка-ларидаги тоқларга тегишли. Лекин ҳозирги кунда, фермер хўжалиқларидаги, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги узумзорларнинг аксарият қисми қўмилган ҳолда сақлан-моқда. Бу тоқларга ҳеч қанча совуқ таъсир қилмайди. Фев-



раль ойда тоқлар уйғониши билан яна бир апробациядан ўтказиб чиқамиз. Айни пайтда узил-кесил "совуқ урди-урмади" деб айтиш қийин. Аммо унутмаслик керакки, совуққа чидамсизлик хусусияти ҳурмо, анжир ва анор дарахтларида нисбатан кўпроқ учрайди.

Республика бўйича фермер хўжалиқларида 128 минг гектар узумзорлар мавжуд бўлса, уларнинг 90 — 95 фоизи со-вуқдан ҳимоялаш учун қўмил-ган. Масалан, асосий узумчи-ликка иктисослаштирилган — Тошкент вилоятидаги Паркент, Наманган вилоятидаги Янги-қўрғон, Хоразм вилоятидаги Боғот ва Самарқанд вилояти-даги бир қатор туманларда тоқлар 100 фоиз қўмилган. Лекин аҳоли томорқаларидаги 52 минг гектар тоқзорнинг қўмилмаган қисмидаги совуқ урган бўлиши мумкин.

Аномал совуқдан сўнг ай-нан Сурхондарё вилояти бўйи-ча мониторинг ўтказилди. Унда бир қатор мутахассислар, шу жумладан, анор етиштирувчи-лар уюшмаси вакиллари иш-тирок этди. Ўтказилган апро-бация жараёнида қўмилган анорларга совуқнинг таъсири бўлмаганини аниқлади. Юр-тимизда 15 минг гектардан зиёд анорзорлар мавжуд. Шун-дан 10 минг гектари ҳосилга кирган. Кейинги икки йилда барпо этилган анорзорлар 5 минг гектарни ташкил этади.

МИКРООРГАНИЗМЛАР ҚАҲРАТОНДА ЎЛМАЙДИ

Аббосхон МАЪРУПОВ,
Ўсимликлар
карантини ва ҳимояси
илмий-тадқиқот
институтини
лаборатория мудири,
қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори,
профессор:

— Мамлакатимизда аномал совуқ кўп йиллардан буён қузилмаётган эди. Шу боис касаллик чакирувчи кўплаб микроорганизмлар иссиқ ҳароратга мос-лашиб қолгани қузилди. Аммо совуқда барча касал-лик чакирувчи микроорга-низмлар қирилиб кетади, деб бепарво бўлиш ҳам ярамай-ди. Сабаби, аномал совуқ микроорганизмларнинг ҳам-масига ҳам бир хил таъсир қилмайди. Микроорганизм-ларнинг кўпчилиги ноқулай об-ҳаво шароитида тиним (уйқу) даврига ўтади. Яъни совуқдан ўзини ҳимоялайди.

Яна бир жиҳат, каттик совуқ микроорганизмларни чидамлилиқ (стресс) ҳола-тига ўтишига хизмат қила-ди. Бу эса касалликнинг янги турлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам совуқ барча касалликларни йўқ қилиб юборади, деб бепарво бўлмаслик керак.

Эрта баҳорда илгаригидек ўсимликларни махсус препа-ратлар ёрдамида қуртак чи-каргунча دورилаб, уларни ка-салликлардан ҳимоя қилиш чораларини қўриш зарур. Чун-ки бу замбуруғларнинг ҳам-



маси совуқ келиши билан ти-ним даврига ўтади ва ҳаво и-лиши билан ҳаракатга кела бошлайди.

Занг касалликларининг замбуруғлари бир даража иссиқда ривожлана бошла-са, бошқа тупроқ микроор-ганизмлари 6-7 даража ис-сиқда ҳаракатга келади. Бун-дай каттик совуқ, албатта, ўсимликларга таъсир қил-гани каби микроорганизмлар-га ҳам таъсир кўрсатиб, уларнинг ривожини сусайти-ради, лекин умуман йўқ қилиб юрмайди. Шунинг учун ҳимоя чораларини қўриш лозим.

Ўсимликларнинг турли ка-салликларига қарши кураш-да олдинги йиллардаги нис-батан бу йил катта фарқ бўлмади. Боиси касаллик қўзғатувчи замбуруғлар каттик совуқда қули ҳимоя-ланади. Қулай шароит бўлмагунча ҳимоя қобили-дан чиқмайди. Шунинг учун ис-сиқ қунар бошлангани билан, яъни уларнинг ҳаракатга ке-лиш даврида зарур дори во-ситаларини қўллаш мақсад-га мувофиқдир.

Анвар РАҲМАТОВ,
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги
Сабзавот, полиз
ва картошкочилик илмий-
тадқиқот институти
лаборатория мудири,
қишлоқ хўжалиги фанлари
доктори:

— Қишда қорнинг кўп ёғиши, қу-зда ёғингарчиликнинг мўл бўлиши сабзавотчилик учун қоний фойда. Бун-дай дейишимизга сабаб, сабзавот экинлари сув билан тирик, шунинг учун сув мўл ҳудудларда сабзавот экилади. Албатта, қор ерга сингса, захира сув мўл бўлишини англа-ди. Бу эса сабзавотлар учун қулай-лик ҳисобланади.

Эртаги сабзавотлар қиш фасли-да иссиқоналарда етиштирилади. Ва январнинг охири, февраль ойи бошларидан очик майдонларга қўчи-риб ўтказилади. Бунинг учун ерлар-ни тайёрлаб, қунар илиши билан плёнка остида қўчати жиойлаштириш таралдудини қўриш лозим.

Карам салқинсевар ўсимлик бўлиб, ёш қўчатилари ҳам 5-6 дара-



жа совуққа чидамли бўлади. Плёнка остида экилган, 10 даража иссиқ бўлганда яхши ривожланади. Тўқсон-бости экинлари ҳақида тўхталади-ган бўлсак, республикамизда 300 минг гектардан ортиқ сабзавот экилган. Шулардан август-сентябрь ойларидан экилган пиёз 100 минг гек-тарни ташкил этади.

Сабзавот экинларининг ҳаммаси қишда тиним даврида бўлади. "Ти-ним даври" дегани, деҳқонча айт-ганда, ухлаш пайти — тўқималарда

Қорнинг кўп ёғиб, ерга сувнинг сингиб кетиши натижасида қўплаб галлазор, бог ва тоқзорларда биринчи сувни, яъни илк сув беришга кетадиган обиҳаёт сарфиётини иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлмоқда. Яъни 1 миллион гектардан ортиқ галлазорларда бир марта сувни иқтисод қилиш бу катта маблағ тежаб қилинишига олиб келади. Шунинг учун ҳам қор ёғса деҳқонлар, айниқса, галлазорлар жуда қувонишади.

ЧИДАМЛИ НАВЛАР ЭКИЛГАН

Абдулла МАНСУРОВ,
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги
бошқарма бошлиғи:

— Галла оптимал муддатларда — ав-густ-сентябрь ойларидан экилади. Умуман галла, қузғи бугдой, 18 — 22 даража со-вуққа чидамли. Ҳаво ҳарорати 5 даража иликка тушгандан бугдой тиним даврига — уйқуга ўтади. Бундай шароитда ҳар хил совуқлар унчалик таъсир қилмайди. Би-ласизми, аномал совуқнинг галла ҳо-силга ижобий таъсирининг яна бир омил-и бугунги кунда майсалар қор қоплами о-стида турибди. Бу жуда яхши, чунки қор остида галланинг ривожланиши қўнғил-дагидек бўлади. Илдииз тизими, пояр-лари меъёрида сақланади. Бундан ташка-ри, етарли микдорда намлиқ бўлади.

Республика бўйича 1 миллион 186 минг гектар сувли, 100 минг гектар-дан ортиқроқ майдонда лалми галла па-рваришланипти. Лалми ерлардан бу йил аввалги йиллардагига нисбатан мўл ҳосил олиш кутилаётди. Сабаби, бу йил лалми майдонларда уруғ экиш олдиндан октябр ойида 15 кун сурункасига ёмғир ёғди. Бу экилган уруғ қузда униб чиқишига пухта замин яратди. Галла майсалари бугун қор остида бараб ривожланипти.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг айрим ҳудуд-ларида қор нисбатан кам ёғди. Баъзи ҳудудларда ёғмади ҳисоби. Лекин совуқ бир хил бўлди. Ўқорида тилга олинган вилоятларга бориб, мутахассислар иш-тирокда ўрганганимизда, бугдой бағри саргайганининг гувоҳи бўлди. Лекин ўсув нукталарига совуқ таъсир қилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида асосий очик май-донларга экилган галланинг тўплаш бўғи-ми ер остида, тупроқ остида бўлгани учун совуқ таъсир қилмайди. Агар илдииз тизи-



ми очикда бўлса, 2-3 даража совуққа чи-дамсиз бўлади. Лекин бизда галла экиш мосламаларида тупроқ остига 3 — 5 сан-тиметр чуқурликда экилганлиги учун буг-дойнинг тўплаш бўғими ер остида қола-ди. Шунинг учун ҳам совуқ таъсир қил-майди.

Ишончимиз қомилки, бу йилги ҳосил нафакат яхши бўлади, балки лалми май-донлар ҳисобига янада баракали хирмон кўтарилади. Боиси, лалми майдонлардан ҳам мўл ҳосил олиш учун пухта замин яратилди. Тўғри, лалми майдонларда уруғни ундириб олиш жуда қийин кечади. Яъни тупроқда етарли намлиқ бўлмайди. Бу йил эса юқорида айтилганидек, қу-здаги ёмғир ердаги намликни оширди. Фермерлар томонидан етиштирилган буг-дой эркин бозор нархида сотилиши ҳисо-бига 2022 йилда дон сотган фермер кат-та фойда билан чиқди. Шунинг эвазига фермерларимизда иштиёқ ортди. 60 — 65 фоиз майдонларга "Қраснодар" се-лекциясига мансуб навли бугдой уруғи экилган. Бу наждаги бугдойнинг ҳосил-дорлиги юқори, совуққа ва қуруқчиликка чидамли. Маҳаллий навлар ҳам 35 фоиз майдонда парваришланмоқда ва улар ҳам совуққа ҳамда қуруқчиликка чидамли бўлади.

ДОНИМИЗ МЎЛ — РИЗҚИМИЗ БУТУН

Бегали ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасининг Аграр ва
сув хўжалиги
масалалари қўмитаси
азоси:

— Мамлакатимиз бўйлаб қалин қор ёғиши ортидан кун-нинг аномал совиши қўпгина соҳа вакиллари, айниқса, деҳқон ва фермерларимизни сергакликка ундаши табиий. Боиси аёзининг оқибатлари жуда қўлаб муаммоларни кел-тириб чиқаради ва экинлар-нинг ривожланишига салбий таъсир қилиши ҳам мумкин.

2023 йил ҳосили учун экил-ган қузғи бошқили дон экин-лари совуқдан зарарланмаслиги



учун кеч экилган, айниқса, 1-2 та барг чиқарган айрим галла майдонларига чириган маҳаллий ўғит сепиятми. Дала майдонларидан экилган сабза-вот экинларини кескин совуқ-дан асраш учун экин майдон-лари усти плёнка билан оддий ёки дуга усулда қопланди, со-мон ёки майин хашаклар би-лан совуқдан зарарланмаслиги

Албатта, ҳар бир қишлоқ хўжалиги экиннинг ўсиши ва ривожланиши учун муайян ҳаво ҳарорати талаб этилади. Лекин совуққа чидамли сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, ош лавлаг, ка-рам каби сабзавотлар ва қўчат каби экинларга 2-3 даража совуқ сезиларли таъсир этмайди.

Умуман олганда, бу йил мамлакатимизда аномал со-вуқнинг қишлоқ хўжалиги со-ҳасига салбий таъсирининг ол-дини олиш бўйича барча за-рур чоралар қўрилимоқда. Бу-ларнинг барчаси экинларни совуқдан асраш билан бир қаторда, бозорларимизга си-фатли озиқ-овқат маҳсулотла-рини етказиб беришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

ТЎҚСОН КУНДА ТОВОҚДА

сув кам бўлади, совуқнинг ҳам таъ-сири бўлмайди. 15 — 20 сантиметр ўсгандagina сув тўплайди, илдииз қисми яхши ривожланади. Бағри саргайган бўлсаям, ўсув нуктасига совуқ таъсир қилмайди.

Тўқсонбости дейишимизга сабаб, эрта баҳорда экиш имконияти мав-жуд бўлмаган далаларга қузда тўқсонбости муддатида уруғ ташла-нади. Тўқсонбости муддати юрти-мизда 15 ноябрдан 15 декабргача бўлган давр ҳисобланади. Бунинг афзаллик тарафи шундаки, эрта баҳорда ёғингарчилик кўп бўлиши эвазига уруғни вақтида экиш им-конияти бўлмайди. Шунинг учун қу-зда мақбул муддатларда экилади. Тўқсонбости совуқнинг таъсири би-линимайди. Тўқсонбости экинлари бошқа сабзавотларга нисбатан бир-бир ярим ой эртароқ чиқади.

Қартошқа асосий сабзавот экин-лари билан бирга март ойида эки-лади. Жанубий вилоятларда февраль

ойининг ўрталарида экишни бошлаш мумкин. Асосий майдонларга кар-тошқа экиш учун ҳали вақт бор. Аммо картошқа уруғларини шу қунарда ун-диришимиз керак. Чунки республика бўйича 140 минг гектар ерга кар-тошқа экиш мўлжалланмоқда.

Бугун жаҳон бозоридан пиёз нар-хи кўтарилиб кетди. Чунки энг кўп пиёз етиштирилаётган Покистон ва Европа давлатларида турли табиий офатлар ҳисобига нарх-наво кескин ошди. Бизда хавотирга ўрин йўқ. Юртимизда етиштирилган пиёз за-хиралари аҳолини таъминлашга ета-ди. 100 минг гектардан ортиқ май-донда пиёз экилган. Сентябрь ойи-да қўқариб чиққан пиёз жанубий ви-лоятларимизда май ойида етилади. Яна эрта баҳорда 300 минг гектар ерда пиёз экишга улгурамиз. Пиёз энг кўп сув хоҳлайдиган сабзавот экинни ҳисобланади. Қишнинг фой-даси ҳам шу — қалин қор ёғиб, ер-ларимиз намга тўйинди.

ОБИҲАЁТ МЎЛ БЎЛАДИ

Зафар ОРТИКОВ,
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги
Қишлоқ
хўжалиги экинларини
етиштириш
агротехнологияси бош
бошқармаси бошлиғи:

— Қишлоқ хўжалигида йил йилга ўхшамайди. Ва иклим шароитидан келиб чиқиб, аг-ротехник тадбирлар ўтказила-ди. 2008 йилнинг февраль ойидаги аномал совуқ қишлоқ хўжалиги экинларига таъсири-ни кўрсатган эди. Уша пайтда эрта тулғалар — ўрик, олма, шафтоли каби мевали дарахт-ларни совуқ уриб кетганди. Ўшанда бу қутилмаган совуқ-нинг олдини олиш бўйича олим-ларимиз ўзларининг тавсияла-рини ишлаб чиққан ва шу асос-да бозордаги танқислиқнинг олди олинган эди.

Бу йил 9 январдан аномал совуқ кириб келиши, қалин қор ёғиши қишлоқ хўжалигида ўзига яраша салбий ва ижобий то-монларини намоян қилди. Иж-обий томони — тоғларда ёққан қалин қор сувнинг мўл бўли-шини таъминлайди. Деҳқонла-римиз беҳиз "Қор ёғди — зар ёғди" дейишмайди. Қор — бу мўл-қўлчилик асоси. Айниқса, тоғларда ёққан қор, ёз чилла-сида эриб, сув омборларида обиҳаётнинг мўл бўлишига за-мин ҳозирлайди. Анҳорлар тўлиб оқса, деҳқончилик ривож-ланади.

Салбий томони ҳақида ай-тадиган бўлсак, шимолӣ ҳудуд-ларимизда 20 — 23 даражага-ча совуқ бўлди. Томорқаларда қўмилмаган қолган анжир, анор, ток ва ҳурмо дарахтларини қисман совуқ уриши қузилди. Чунки бу дарахтлар 18 да-ража совуққача чидамли. Ле-кин мева ва узумга иктисо-лаштирилган хўжалиқларда ток, анорлар қўмилгани боис совуқ-дан муҳофаза қилинган.

Ҳамма бог ва тоқзорлари-



мизда яхоб суви бериш олиб бориляпти. Бу эрта баҳорда ке-ладиган совуқнинг олдини олиш ва дарахтларнинг эрта гуллашини тўхтатишга қаратил-ган. Қорнинг кўп ёқгани нати-жасида қўплаб галлазор, бог ва тоқзорларда биринчи сув-ни, яъни илк сув беришга ке-тадиган обиҳаёт сарфиётини иқтисод қилиш имконияти пай-до бўлмоқда. Яъни 1 миллион гектардан ортиқ галлазорлар-да сувни бир марта иқтисод қилишнинг ўзи ҳам катта маб-лағ тежаб қилинишига олиб ке-лади.

Ҳабарингиз бор, бугун пиёз нархи ҳақида кўп таҳминлар айтиляпти. Нарх ошмиши кам майдонга экилгани ёки пиёз-дан кам ҳосил олингани бил-лан боғлиқ эмас. Ҳамма пиёз ҳам махсус омборхоналарда сақланмайди. Қўплари ёпиқ бўлгани билан иситилмайди ёки совитилмайдиган омбор-хоналаридир. 20 даража совуқ-да ҳар қандай махсулот ҳам музалайди. Шу боис пиёз таъ-минотида озгина узилиш бўлди. Бунга сақлаш ва логистика, яъни йўлларнинг музламаллиги ҳамда ёнилғи-нинг етишмаслиги таъсир қилди. Бугунги кунда 87 минг тоннадан зиёда пиёз захира-ларимиз мавжуд. Уларни жад-вал асосида бозорларга чиқариш йўлга қўйилди. Апрель ойида пиёзнинг экспорт қилиш тўхтатилгани ҳам махсулот танқислиқнинг олдини олишда муҳим аҳамият қосиб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси олим ва мутахассислари фикрларидан шундай ҳулосага келиш мумкинки, бу йилги аномал совуқ ва ёғиб ўтган қалин қор мевали дарахтларга бироз таъсир қилган бўлса-да, бошқа экинлар учун қоний фойда бўлди. Таъкидлаганидек, бу йил галла серҳосил, айниқса, лалми майдонлардаги дон ҳар йилгидан баракали бўлиши айтилмоқда. Дастурхонимиз ҳар йилгидек тўқин ва фазил, мева-чевалар сероб бўлади, тилими тили ёрадиган қовун-тарвузларимиз бозорларимизга фазл бағишлайди.

Энг муҳими, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги экинлардан қокори ҳосил олиш, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспортини қўлайтириш бўйича олиб борилаётган изчил ислохотлар, албатта, ўзининг самараларини беради.

Ҳахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоноси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

</